Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 30 январь, чоршанба • №8 (11.396) • Эркин нархда сотилади

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 январь куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ўринбосари Элизабет Жоунс раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

– Ўзбекистонга АҚШдан бундай мўътабар делегациянинг келиши, бу қадар кенг қамровли музокаралар ўтказишидан биз мамнунмиз, – деди Ислом Каримов меҳмонларни қаршилар экан. – Буни АҚШда Ўзбекистон билан муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга интилиш кучайганининг тасдиғи ҳамда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорлик янада мустаҳкамланишидан мамлакатингиз манфаатдорлигининг ифодаси, деб биламиз.

Э. Жоунс раҳбарлигидаги делегация таркибида, ҳақиқатан ҳам, турли соҳа вакиллари бор. Меҳмонлар мамлакатимизга ташрифи чоғида кўпгина вазирлик ва идораларда бўлиб, музокара ва маслаҳатлашувлар ўтказди. Буларнинг барчаси Оқ уйнинг Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга интилиши кучли эканлигидан далолат.

Учрашувда меҳмонлар АҚШнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги узоқ муддатга мўлжалланганлигини яна бир карра таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада равнақ топтиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

*(ЎзА).*

**Маънавият**

## ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ҳузурида муассаса ва ташкилотлар масъул ходимлари, маънавий-маърифий ишлар мутахассислари учун ташкил этилган малака ошириш курсларини навбатдаги тингловчилар битириб чиқди. Уларга "Маънавият тарғиботчиси" гувоҳномаси топширилди.**

— Ўқув курслари 1999 йили мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан халқимиз маънавиятини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида ташкил этилганди, — дейди ЎзА мухбири билан суҳбатда Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази раҳбари Ш. Жумаев. — Тингловчилар миллий давлатчилигимиз тарихи, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти каби долзарб фанлар билан бир қаторда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини пухта ўрганмоқда. Зеро, уларнинг фаолияти, аввало, миллий истиқлол ғояларини аҳолига, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, уларнинг маънавий дунёсини янада бойитишга қаратилган.

**Тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиб қолган зангиоталик Рихситилла Йўлчиев дастлаб "Савдогарбанк" туман бўлимига ўз бизнес-режасини тақдим этди. Сармоя сўради. Банк тадбиркорга 20 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди.**

## ТАДБИРКОР ВА БАНК

Бу тадбиркорнинг биринчи муваффақиятли қадами эди. Вақт ўтиб, Рихситилла аканинг ишлари юришиб кетди. Бугун у туманнинг энг олди тадбиркорларидан. Қарамоғида 40 бош қорамоли бор. Ўтган йили иш бошлаган тадбиркор шу кунгача истеъмолчиларга 11 тонна сут, 30 тоннага яқин гўшт етказиб берди ва 49 миллион сўмлик маҳсулот сотишга эришди. Айни кунларда кўрилаётган фойда ҳисобига сутни қайта ишлаш цехи қуриш ташвишида елиб-югуриб юрибди.

– Банкдан кредит олиш учун атиги бир ҳафта вақтим кетди, – дейди Р.Йўлчиев. – Агарда ишнинг бундай осон кўчишини билганимда илгарироқ ҳаракат бошлаган бўлардим. Биласизми, менга ўхшаб якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркорларни ем-хашак масаласи кўпроқ қийнайди. Фермерларга ўхшаб бизга ҳам ер ажратилса, ишимиз янада самарали бўларди.

Яна бир тадбиркор Ҳожиакбар Мажидов ҳам банкдан кредит олиб "Муборак" хусусий фирмасини очди. 10 миллион сўм кредит ҳисобига 20та сигир, 12та буқа сотиб олди. Бугунга келиб қорамоллари эллик бошдан ошиб кетди. Фермер оёққа туриб олгач, тумандаги боғча, мактаб, ҳарбий қисмлар билан шартнома тузиб, ўз маҳсулотларини сота бошлади. Ҳозирда фермер ойига 10 тоннага яқин гўшт, 6-7 тонна атрофида сут маҳсулотларини ўз харидорларига етказиб бермоқда. Йилни 5 миллион сўмлик соф фойда билан якунлади. Иккита озиқ-овқат, гўшт дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш уйи эл хизматида. Айни пайтда туманнинг ўзи яшаётган "Иттифоқ" маҳалласида маҳалла гузари қуриб бермоқда.

Энг асосийси, банк маблағларини беҳудага совуриб юбораётган, уни мақсадсиз ишлатаётган тадбиркор ёки фермер йўқ. Сабаби – банкка мурожаат қилган ҳар бир мижознинг бизнес-режасини экспертларимиз батафсил ўрганиб чиққанидан сўнг кредит ажратяпмиз. Ҳар чоракда кредитларнинг қандай ишлатилаётгани устидан мониторинг ўтказиб келяпмиз. Мижозларимиз устама фоизларни ўз вақтида қайтараётгани боис кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятимиз янада кенгаймоқда.

*Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.*



## УМУМХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

### Ўзбекистон Республикаси референдуми Тошкент вилояти шаҳар ва қишлоқларида ҳам муваффақиятли ўтди

**Ўтган якшанба куни бутун мамлакат тонгни қанотли орзулар билан қаршилади. Кўчалардаги гавжумлик, овоз беришга отланган одамлардаги дилхушликни Олмалиқ ва Ангрен, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари, Зангиота, Оққўрғон, Чиноз ва бошқа барча туманларнинг қишлоқларида кузатиш мумкин эди.**

Қорли тоғ устига қуёш чақнаб қўнган маҳали — соат саккизгача Ангрен шаҳрининг 58та референдум участкасига 9804 фуқаро келиб овоз берди. Кўмир ва олтин қазиб чиқараётган кончилар, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган фирмаларнинг меҳнатчилари, Буюк Ипак йўли устида дунё кезиб бораётган сайёҳу тижоратчиларга хизмат кўрсатувчилар, тез тиббий ёрдам маркази шифокорлари, коллеж ва педагогика институтининг талабалари овоз бера бошлашди.

Овоз бериш Юқоричирчиқ тумани участкаларида айниқса уюшқоқлик касб этди. Бу ерда соат саккизгача 28, соат ўнгача эса 60,99 фоиз киши овоз беришда қатнашди. Қибрай туманидаги 59та референдум участкасида 92 минг 794 овоз берувчидан 43 минг 911 киши соат ўнгача овоз бериб ўтди.

— Янгийўл, Бўстонлиқ, Бекобод туманлари, Чирчиқ шаҳридан ҳам муттасил шундай маълумотлар бериб туришибди, — деди эрталаб соат 10да Тошкент вилоятида референдум ўтказувчи округ комиссиясининг раиси Умар Муслимов оммавий ахборот воситалари ходимларига ахборот бериб. — Умуман, вилоятимиз меҳнаткашлари мамлакатимизда ҳуқуқий давлатчиликни барқарор қилиш билан боғлиқ барча орзу-умидларини шу референдум билан боғламоқдалар.

Шуни айтиш керакки, референдумнинг ўтишини Халқ-демократик, «Адолат» социал-демократик, Миллий тикланиш партияларининг, ташаббускор гуруҳлари вакиллари кузатиб боришди.

Шунингдек, Ўзбекистон рефередумига чет эл мамлакатларидан келган кузатувчиларнинг катта бир гуруҳи ҳам вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларига чиқиб, умумхалқ овоз беришининг бориши билан танишди. Германиядан келган кузатувчилар — шарқшунос олим Клаус Пандер, «Бремен-Ўзбекистон» жамиятининг ижрочи директори Видиге фон дер Шуленбург Чирчиқда бўлишди. Ҳиндистон парламенти ва оммавий ахборот воситаларининг кузатувчилари Янгийўл шаҳри ва туманида овоз берувчилар билан суҳбатлашишди, референдумнинг ўтиши билан батафсил тани-

(Давоми 2-бетда).

## ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЁҚЛАБ...

**Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган дипломатия ваколатхоналаридан олинган хабарларга қараганда, Ўзбекистон бўйлаб бўлиб ўтган муҳим сиёсий тадбир, яъни умумхалқ референдумида хорижий элларда хизмат қилаётган, муайян сабаблар туфайли сафарда бўлган ва таҳсил олаётган мамлакатимиз фуқаролари ҳам юртимиз аҳолиси билан бир қаторда ўзларининг фуқаролик бурчини бажариб, референдумга қўйилган саволлар юзасидан ҳоҳиш-иродаларини ифода этдилар.**

Алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг чет элларда фаолият кўрсатаётган элчихоналари ва консулликлари ҳузурида ташкил этилган 37 та овоз бериш участкаларининг барчасида референдум зўр уюшқоқлик билан ўтди. Хорижий мамлакатлардаги бундай участкаларга якшанба куни эрталабдан овоз бериш учун келган фуқароларимизнинг кети узилмади – уларнинг барчаси ўз Ватани тақдирига бефарқ қарамасликларини намойиш этдилар.

27 январь куни даставвал Япония, Корея республикаси, Малайзия, Индонезия, Таиланд, Хитой Халқ Республикаси сингари Осиё мамлакатларида овоз бериш ниҳоясига етди.

Биргина Япония мисолида ҳам ушбу муҳим сиёсий тадбир хорижий мамлакатларда қай даражада уюшқоқлик билан ўтказилганини англаб олиш қийин эмас. Референдум куни мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси қошида ташкил этилган Тошкент шаҳар округининг 26-референдум участкаси маҳаллий вақт билан 17.00да участка комиссияси қарорига мувофиқ ўз ишини якунлади. Референдумда овоз берувчилар рўйхатидаги 107 нафар Ўзбекистон фуқаросининг барчаси иштирок этди.

Шунингдек, Шарқ ва Европа мамлакатларида ҳам мазкур сиёсий тадбир фуқароларимизнинг юқори фаоллигида ўтди. Масалан, Италияда ҳам рўйхатга олинган жами 128 овоз берувчининг 125 нафари икки палатали парламент фаолияти йўлга қўйилишини, 116 нафар овоз берувчи эса мамлакатимиз Президентининг конституциявий муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартирилишини ёқлаб овоз беришган.

*Ш. УМИРОВ, «Жаҳон» АА.*

## «ТЕРРОРИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ»

***Зангиота туманида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди.***



Марказий болалар кутубхонасида ўтган ушбу йиғинда маҳалла оқсоқоллари, кексалар, шунингдек, ўсмир ёшлар иштирок этдилар.

Тадбирда бугун XXI аср вабосига айланган терроризм, унинг салбий оқибатлари, ёшларни бу балога қарши курашлари нималардан иборатлиги ҳақида сўз борди.

*Ўз мухбиримиз.*

**Муносабат**

## ИНСОН АЗИЗ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотлар янги кўлам ва миқёсда ривожланиб бормоқда. Бу жиҳатдан сўнгги кунлар, бугунимиз ва эртанги кунимиз учун алоҳида аҳамият касб этди.**

Ўзбекистон Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида», «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлар республикамизда инсон манфаатлари, унинг ортиб бораётган қадр-қиммати йўлида қилинаётган ишларнинг яна бир белгиси бўлди.

Иқтисодий ислоҳотлар ўз самараларини намоён қилиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиб боргани сари мамлакатимизнинг молиявий имкониятлари кенгаймоқда. Натижада давлат сиёсатининг устувор йўналиши — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасини кўтариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданиятни ривожлантиришнинг янги-янги режалари кун тартибига қўйилмоқда. Чунончи, эндиликда иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги чеклашлар бекор қилинди. Шунингдек, бундан буён болали оналарга фарзанди икки ёшга тўлгунича бериладиган нафақалар миқдори ошаяпти, нафақа олувчи оилалар тоифаси кенгаймоқда. Бу — минг-минглаб оилаларнинг турмушида, гўдакларнинг моддий таъминотида кескин ўзгариш ясовчи омиллардир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг моддий базасини мустаҳкамлаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Бу жиҳатдан Вазирлар Маҳкамасининг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш ҳақидаги қарори ниҳоятда муҳим. Чунки, унда кам таъминланган оилаларга мансуб ўқувчиларни бепул қишки кийим-бош, дарсликлар билан таъминлаш,етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларга тўланадиган нафақалар миқдорини ошириш ва бошқа чоралар кўзда тутилган. Бу тоифа ўқувчилар мустақил ҳаётга қадам қўяётганларида бу йил энг кам иш ҳақининг 80, келаси йили – 100 баравари миқдорида нафақа билан таъминланиб, оширилган нақд пул нафақаси ҳам оладилар.

Мамлакатимизда аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини сақлаш ва яхшилаш йўлида кўп иш қилиняпти. Масалан, ўтган бир йилнинг ўзида вилоятимизнинг Тошкент, Зангиота ва бошқа туманларида янги туғруқ мажмуалари очилди. Энг замонавий ускуналар билан мукаммал жиҳозланган бу шифохоналарда тиббий хизмат жаҳон андозалари даражасига кўтарилиб бораётир. Янгийўл шаҳар туғруқ мажмуаси жамоаси эришган ютуқ бу жиҳатдан ибратлидир. Унга «Ибдор» болага дўстона муносабатда бўлувчи шифохона мақоми берилди. Булар бошланган ишларнинг дебочаси, холос.

Вазирлар Маҳкамаси бу соҳадаги ишларнинг қўшимча чоралари ҳақида куни кеча қабул қилган қарорга биноан мамлакатимизда соғлом авлод, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш масалалари бўйича доимий ишловчи Ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Комиссиянинг ваколатлари жуда кенг. Вазирлар ва идоралар, жамғармалар ва бошқа ташкилотлар биргаликда оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқишга киришдилар.

Ушбу қарорга биноан, айниқса, қишлоқ жойларда қизларга, аёлларга ва ёш оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати оширилиб, тиббий маслаҳатлар кучайтирилади. Бунинг учун қишлоқ шифохоналарида ишловчи мутахассисларнинг касб малакасини ошириш кун тартибига кескин қилиб қўйиляпти. Аҳолини зарур дори-дармонлар ва тиббий воситалари билан таъминлаш такомиллаштирилади.

Юқори синфларда, лицей ва коллежларда соғлом оила ва никоҳ, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича факультатив дарслар киритилаётир.

Мамлакатимизда эл соғлиғини яхшилаш, келажагимиз эгалари – навқирон авлодни баркамол тарбиялаш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда. Сўнгги фармон ва қарорлар бу қадамларга янгича бир жўшқинлик бағишлайди. Бунинг учун давлатимиз маблағ ва воситаларни аямаяпти. Мақсад – бу саъй-ҳаракатлар самараларини кўтариш, ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар самаралорлигини кескин оширишдан иборат.

## БОЛАЖОНЛАРГА МУРУВВАТ



***Республика «Болалар» хайрия жамғармасининг Оҳангарон шаҳар бўлимида яна бир хайрли тадбир амалга оширилди.***

Жанубий Кореянинг «КИАДЕЧЭК» хайриҳоҳлик ташкилоти вакиллари Оҳангаронга ташриф буюриб, боқувчиси йўқ, кўп болали оилалар фарзандларига иссиқ кийим-кечаклар тарқатдилар. Шунингдек, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ёрдами билан 15та боқувчисини йўқотган оилалар ўғил-қизлари қувайтлик саховатпешалар юборган моддий ёрдам билан таъминландилар.

*Муқаддас АЛИЕВА.*



*Зангиота туманидаги 379-референдум участкасида овоз бериш ташкилий жиҳатдан қизғин ўтди.*

***СУРАТДА:** участка комиссияси раиси Ўткир Ўрунов билан котиба Мелисхон Аҳмаджонова иш устида.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

# УМУМХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

шишди. Молдова Республикаси парламентининг депутатлари Иосиф Кетрау билан Ион Урсу Юқоричирчиқ ва Паркент туманларига чиқишди. Украина Миллий фанлар академиясининг вице-президети Иван Дурас — Бўстонлиқ, ҳиндистонлик кузатувчи Прем Бададеш Қирғизистон Республикасидан келган Рустам Раҳмоналиев билан — Тошкент, Қирғизистон Республикаси МСК раисининг ўринбосари Тоҳир Содиқов — Қибрай туманларида бўлишди.

Кузатувчилар барча участкаларда референдумга тайёргарлик пухта бўлганлиги, овоз бериш «Ўзбекистон Референдуми тўғрисида»ги Қонун асосида ташкил этилганлигини қайд қилишди.

... Округ комиссияси иш олиб бораётган хоналардаги компьютерларнинг экранларидаги рақамлар бот-бот ўзгариб турипти. Уларни кузатиб, вилоятимизда овоз бериш боришининг умумий манзарасини ҳар сония яққол тасаввур қилиш мумкин. Кундузи соат 12га яқинлашганида Тошкент туманидаги 38та референдум участкасида 60 минг 443 овоз берувчи бюллетень олганлигини хабар қилишди. Бу овоз берувчилар рўйхатига киритилган жами фуқароларнинг 83,26 фоизини ташкил этди. Шу соатда Бекобод туманида ҳам ҳар тўрт овоз берувчидан уч киши ўз ҳохиш-иродасини ифодалаб бўлган эди. Айни бир пайтда Чирчиқ шаҳридан қўнғироқ қилиб, дастлабки 6та референдум участкасида овоз бериш тугалланганлигини маълум қилишди. Шу соатга келиб Бўстонлиқ, Ўртачирчиқ, Қибрай туманларида тўрттадан, Олмалиқ шаҳрида — учта референдум участкасидан ҳам шундай хушхабар олинди. Умуман, соат 12да вилоятимиздаги 34 участкада фуқаролар овоз бериб бўлишди.

Референдум участкалари билан округ комиссияси ўртасидаги алоқа узлуксизлигини алоҳида таъкидламаслик мумкин эмас. Округ комиссияси аъзоларига ким у ёки бу шаҳар ёхуд тумандаги референдум участкасига доир қандай савол билан мурожаат этмасин, ҳамиша мукаммал жавоб оларди. Референдумнинг ўтиши ҳақидаги умумий маълумотлар эса, ҳар икки соатда чиқариб турилди. Уларни кўздан кечириб, барча шаҳар ва туманларда овоз беришнинг бориши хусусида аниқ ва батафсил таассурот ҳосил қилиш мумкин бўлди. Ҳамма участкаларга одамлар шод-ҳуррамлик билан, байрамона кайфиятда келишар, референдум комиссиялари аъзоларидан бюллетенни олиб, овоз беришарди.

... Кечки соат 20.00. Округ сайлов комиссияси референдумнинг дастлабки якунлари ҳақида маълумотлар келиб туша бошлади. Улардан референдум муваффақиятли ўтганини сезиш қийин эмасди. Вилоят аҳли мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар учун фаол овоз берди. Аниқ натижалар эса, яқин кунларда Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.

***Жўра САЪДУЛЛАЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

# ЁШЛАР ҲАМ ЎЗ СЎЗИНИ АЙТДИ

**Мамлакатимизда 27 январь куни ўтган умумхалқ референдуми Янгийўл шаҳрида ҳам кўнгилдагидек якунланди.**

Шаҳардаги мавжуд 17та референдум участкаси кечгача овоз берувчилар билан гавжум бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, умумхалқ маслаҳатлашувида 1263 нафар янгийўллик йигит-қиз биринчи марта қатнашди. Улардан 30 нафари 2002 йил бошидан 27 январга қадар ўн саккизга тўлган ёшлардир.

***Ўз мухбиримиз.***

**Санация: таҳлил ва сабоқ**

# ЯКУН НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ

**Корхоналар банкротлиги ва санация масалалари бўйича Тошкент вилояти ҳудудий комиссиясининг 2001 йил иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва улар кўрган зарарни бартараф этиш, истиқболсиз ва тўловга лаёқатсиз корхоналарни тугатиш юзасидан амалга оширилган ишлар якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

**Мажлисни Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят-комиссияси раиси А. Йўлдошев бошқарди.**

Мажлисда Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси бошлиғи А. Зокировнинг 2001 йил давомида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва улар кўрган зарарни бартараф этиш, истиқболсиз ва тўловга лаёқатсиз корхоналарни тугатиш юзасидан амалга оширилган ишлар якунларига бағишланган ҳисоботи тингланди.

Комиссия мажлисида шаҳар ва туман комиссиялари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

2001 йил давомида мулкида давлат улуши бўлган корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти мониторинги, шу жумладан, алоҳида мониторинг ўрнатилган 77 та йирик корхона фаолияти натижаларига кўра, вилоят комиссияси мажлисларида 10 дан ортиқ корхоналарни молиявий соғломлаштириш чоралари кўриб чиқилди ҳамда вилоятдаги барча шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Аниқ мақсадларни кўзлаб иш юритилгани боис, 2001 йил давомида зарар кўриб ишлаган 35 та корхонадан 27 таси кўрилган зарарни бартараф этди ва бундай корхоналар сони 8 тагача камайди, 2001 йил бошида эса, уларнинг сони 14 та эди. 38 иқтисодий ночор корхонанинг 24 таси тўлов қобилиятини тиклади ва 2002 йил бошига келиб, бундай корхоналар сони 14 тани ташкил этди.

Санация имтиёзларидан самарали фойдаланиш эвазига 2001 йил давомида давлат молиявий ёрдами туфайли санация жорий қилинган Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли материаллар комбинати давлат корхонаси тўлов қобилиятини тиклади. Ушбу корхонада санация режасининг бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатилиб, ҳар ой якуни бўйича вилоят комиссиясида муҳокама қилинмоқда. Ҳозирги кунда олинган тезкор маълумотларга асосан, корхонанинг дастлабки молиявий хўжалик фаолият натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кутилаётган фойда ҳисобига йил давомида кўрилган зарарларнинг қопланиши ва тўлов муддати олти ойдан ошган кредиторлик қарзлар тўлалигича бартараф этилиши кўзда тутилмоқда.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2001 йилда истиқболсиз корхоналарга нисбатан банкротлик ва тугатиш жараёнининг тезкорлиги ва самарадорлиги оширилди. Жумладан, тугатиш жараёнидаги 44 та корхонадан 35 та банкрот корхона тугатилди ва давлат рўйхатидан чиқарилди, қарздорларнинг 71,4 миллион сўмлик мол-мулки сотилди, 88,9 миллион сўм кредиторлик қарзлари қайтарилди.

Корхоналарни банкротлик даражасига олиб келган, масъулиятсиз муносабатда бўлган ва хизмат вазифасини суиистеъмол этгани учун 35 нафар мансабдор шахснинг фаолиятини кўриб чиқиш учун вилоят прокуратурасига ҳисобот даври мобайнида молиявий хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаган 19 корхона раҳбарларига нисбатан 187 минг сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилиб, санация жамғармасига ўтказилган.

Мажлисда шаҳар ва туман комиссиялари, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси фаолиятида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, истиқболсиз, тўловга лаёқатсиз корхоналарни тугатиш борасида йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, жорий йилда вилоят комиссияси фаолиятида корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ва зарар кўриб ишлашининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик мақсадида санация ва банкротлик механизмини такомиллаштириш, самарали менежмент ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг малакали маркетингини жорий этиш ҳисобига корхоналарни молиявий соғломлаштиришни замонавий ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси, шаҳар ва туман комиссияларининг корхоналар иқтисодий ночорлиги ва зарар кўриб ишлашининг олдини олишдаги ўрни ва масъулиятини ошириш, 77та йирик корхоналар молиявий кўрсаткичлари мониторинги механизмини такомиллаштириш каби асосий йўналишлар белгилаб олинди.

Мажлисда Ангрен, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳар ҳудудий комиссияларининг иқтисодий ночорлигини бартараф этиш ва уларни молиявий соғломлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари тингланди ва комиссияларнинг бу борадаги фаолияти етарли эмас, деб топилди.

Қатор корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти аҳволини муҳокама қилиш натижасида комиссия томонидан тўлов қобилиятини тиклаш ва зарар миқдорларини бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда 2002 йилда корхоналар банкротлиги ва санация механизмини янада такомиллаштириш борасидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, комиссиянинг иш режаси тасдиқланди.

**Аччиқ, аммо очиқ гап**

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: КИМЛАР ФЕРМАНИ ЮРИТДИ, КИМЛАР ҚУРИТДИ

***ёки жамоатчилик мулки бўлган чорвачилик фермалари соҳага алоқаси йўқ, яъни мутахассис бўлмаган кишилар қўлига тушиб қолиб, пароканда бўлгани ҳақида***

**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш – мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарти. Президент таъкидлаганидек, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало инсон манфаатлари учун амалга оширилиши керак. Бинобарин, халқ хўжалигининг у ёки бу тармоғидаги давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ҳам айнан шу мақсадга бўйсундирилиши лозим.**

Республика Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат чорвачилигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 1993 йил 15 мартда қабул қилган қароридан сўнг бизнинг вилоятда ҳам хўжаликлардаги чорвачилик фермаларини хусусийлаштиришга киришилди. Орадан икки йил ўтиб, яъни 1995 йил 24 мартда ҳукуматнинг чорвачиликдаги хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида навбатдаги қарори эълон қилингач, жамоатчилик тасаррруфидаги фермаларни «Кимошди» савдосига қўйиб, хусусий тадбиркорларга сотиш бошланди. Ҳар икки қарордан кутилган мақсад чорвачиликни соҳанинг ҳақиқий билимдонлари ва жонкуярлари ихтиёрига ўтказиш ва шу йўл билан моллар зотини яхшилаш, бош сони ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш эди. Хўш, амалда нима бўлди?

Бугунги кунга келиб, туманларда жами 78та хўжаликнинг фермаси хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. 63та ферма эса «Кимошди» савдоси орқали шахсий мулк қилиб берилди. Хусусийлаштириш жараёнида соҳанинг мутахассиси ва чинакам жонкуяри бўлган инсоф-диёнатли, ҳаракатчан, тадбиркор кишилар қўлига тушган фермаларда ишлар жонланиб, мол туёғи кўпайди, маҳсулдорлик ошди. Масалан, Чиноз туманидаги Алишер Навоий номли хўжалик фермасини 1995 йил август ойида «Юлдуз» номи билан хусусийлаштириб олган Х. Араббоев асосий эътиборни мол зотини яхшилаш ва озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратди. Натижада хусусийлаштириш даврида фермада 588 бош қорамол бўлса, ҳозир 634 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Сигирларнинг маҳсулдорлиги ҳам аввалгига нисбатан анча ўсди. Эндиликда ҳар бош сигир ўртача 3800-3900 килограммдан сут бермоқда. Ялпи сут етиштириш эса бир йилда 22 тоннага кўпайди. Ҳар йили юз бош сигирдан камида саксонтадан бузоқ олинмоқда. Фермада молларнинг озуқаси етарли ва тўйимли. Масалан, бугунги кунда 14 центнердан озуқа бирлиги ҳисобига ем-хашак бор.

Шу тумандаги «Фозил», Юқоричирчиқ туманидаги «Ал-баракот», «Мавлудахон», Паркент туманидаги «Бахт», Зангиота туманидаги «Диёра», Тошкент туманидаги «Роҳатой», Янгийўл туманидаги «Фозил ота» хусусий фермаларида ҳам мол туёғи кўпайиб, маҳсулдорлик ортиб бормоқда.

Лекин афсуски, хусусийлаштирилган кўплаб фермаларда кутилган мақсадларга эришилмади. Аксинча, айрим фермалар янада ночор аҳволга тушган бўлса, баъзилари таг-туги билан йўқ бўлиб кетди. Хусусийлаштириш пайтида фермаларда жами 31 минг 486 бош қорамол, шу жумладан, 12 минг 353 бош сигир бор бўлса, ҳозирги кунда 23 минг 60 бош қорамол, шу жумладан, 8103 бош сигир қолди. Бекобод, Бўка, Бўстонлиқ, Оққўрғон, Пскент, Тошкент, Ўртачирчиқ, Қибрай, Қуйичирчиқ туманларида йўқотиш, айниқса катта бўлди. Жумладан, фақат 2001 йилнинг ўзида хусусийлаштирилган фермаларда қорамол туёғи аввалги йилдагига нисбатан Қуйичирчиқ туманида ярмидан кўпи йўқотилди. «Кимошди» савдоси орқали сотилган фермалардаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Чунончи, Юқоричирчиқ туманида сотилган тўртта фермада қорамол туёғи 2000 йилдагига нисбатан 150 бош, сигирлар эса 296 бош камайди.

Айрим хусусийлаштирилган фермалардаги бугунги аҳвол жуда ачинарли. Бекобод туманидаги «Иттифоқ» хусусий фермаси «Далварзин» хўжалиги тасарруфида бўлган чоғда 1386 бош қорамол, шу жумладан, 500 бош сигир бор эди. Ҳозир А. Акбаровга қарашли бу фермада 301 бош қорамол, 150 бош сигир қолган. Шу тумандаги «Дўстлик» хусусий фермаси бошлиғи Н. Жуманов 1995 йилнинг июлида «Ўзбекистон» хўжалиги фермасини 821 бош қорамол, шу жумладан, 330 бош сигири билан хусусийлаштириб олган эди. Ҳозир эса унинг 159 бош қорамоли, шу жумладан 50 бош сигири бор. Шунингдек, Бўка туманидаги «Орол» (бошлиғи Б. Мирзақулов) хусусий фермасида 368та қорамолдан 70 бош, Пскент туманидаги «Қул ота» (бошлиғи А. Холтоев) хусусий фермасида 571 бош қорамолдан 11 бош қолган холос. Булар-ку, майли-я, туяни ютиб, думини кўрсатмайдиган айрим «уддабурон» хусусий тадбиркорлар бутун бошли фермани йўқ қилиб юбордилар. Ўртачирчиқ туманидаги «Зарена» хусусий фермасида ҳозир лоақал бир бош ҳам мол қолмади.

Кўнгилда ҳар хил гумон ва тахминлар уйғотадиган бундай мисоллар айтган билан адо бўлмайди. Ҳамма гап нима учун шундай аҳвол юз берганида. Бу ҳақда ўйлаган сари савол кетидан савол туғилаверади: фермаларни хусусийлаштириб олганларнинг мақсади нима эди? Улар асли кимлар ўзи? Чорвачиликни тушунадиган, соҳадан бироз бўлса-да хабари бор одамлармиди ёки..? Фермаларни қонун асосида хусусийлаштириб боришга даъват этилган мутасаддилар қаёққа қарашди?

Ҳар ҳолда шу нарса аёнки, фермаларни хусусийлаштириш ва «Кимошди» савдосига қўйиб сотиш жараёнларида айрим ҳолларда шошма-шошарлик, палапартишлик, юзакичиликка йўл қўйилди. Ҳукуматнинг ҳар икки қарори ижросига беписанд муносабатда бўлинди. Оқибатда фермаларнинг кўпи қўлидан иш келмайдиган, тайинли маблағи ҳам, ҳақиқий мулкдорлик салоҳияти ҳам йўқ «ишқибоз» кимсалар қўлига топширилди. Масалан, юқорида номлари келтирилган Бекобод туманидаги «Дўстлик» хусусий фермаси бошлиғи Н. Жуманов ва Бўка туманидаги «Орол» хусусий фермаси бошлиғи Б. Мирзақуловнинг маълумоти ўрта-махсус, касби эса механик. Пскент туманидаги «Камолот» хусусий фермаси раҳбари А. Ҳошимов – ўқитувчи. Бўстонлиқ туманидаги «Қораманас» ва «Есен» хусусий фермалари раҳбарларининг бири (Ж. Отабоев) дўкон мудири бўлса, иккинчиси (Е. Аулбеков) маданият ходими. Ушбу рўйхатни давом эттиравериш мумкин. Лекин бундан нима наф?

Шу ўринда «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар» деган мақол ёдга тушади. Фермаларни хусусийлаштириб олган ёки «Кимошди» савдосида ютиб чиққанларнинг ҳамёнларидан ажралиб қолганларига кафолот беролмаймиз-у, аммо бир фикрни айтмоқчимиз. Тасаввур қилайлик: бир умр ямоқчилик қилиб келган косибнинг дўконини ёпиб, бугундан бошлаб новвойлик қиласан дейилса, оқибати нима бўлади? Нон ёпиш у ёқда турсин, умрида хамир қориб кўрмаган бу ямоқчи бугун нонни расво қилгани устига эртага тандирни ҳам бузмайдими?

«Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деганларидек, чорвачилик – жуда нозик соҳа. Иш бошида мутахассис бўлмаса, моллардан на насл, на маҳсулот олиб бўлади. Хусусийлаштирилган фермаларда мол туёғи камайиб, маҳсулдорлик пасайиб бораётганлигининг асл сабаби шунда, албатта. Масалан, Пскент тумани бўйича хусусийлашган фермаларда ҳар 100 бош сигир ҳисобидан 2001 йилда ўртача 18тадан бузоқ олинган. Бу кўрсаткич Қуйичирчиқ туманида 27 тадан, Ўртачирчиқда эса 33 тадан тўғри келади. Шундай экан, «селекция ишлари»ни қўя турайлиг-у, молларни урчитиб кўпайтиришнинг аҳволи ҳақида нима дейиш мумкин?

«Кимошди» савдосида ютиб чиқиб, фермани хусусий мулк қилиб олган ва енг шимариб ишга киришган тадбиркорларнинг ҳам кўпчилиги бугун кулгили аҳволга тушиб қолдилар. Чунончи, Пскент, Қуйичирчиқ, Бўка туманларида ўтган йили 100 бош сигир ҳисобига бор-йўғи 20-21 тадан бузоқ олинди. Боқилаётган сигирлар эса кунига 1-1,5 литр сут бераяпти.

Хўш, бундан кейин ҳам иш шундай давом этаверадими? Хусусийлашган фермалардаги аҳволни тубдан ўзгартириш, мол туёғини кўпайтириш, зотини яхшилаш ва маҳсулдорликни ошириш учун нималар қилиш керак?

Республика Вазирлар Маҳкамасининг чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга ва такомиллаштиришга қаратилган қарорлари ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бугунги кунги аҳвол атрофлича ва чуқур таҳлил қилинди, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди. Аввало, бундан буён фермаларни фақат танлов асосида қўлидан келадиган, шахсий маблағига эга бўлган мутахассисларга хусусийлаштириб бериш зарурлиги таъкидланди. Наслчилик ишларини ривожлантириш, асосий эътиборни сунъий уруғлантиришга қаратиш, мол туёғини камайтирмай, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, озуқа экинларини талаб даражасида экиш ва мўл ҳосил олиш, ширкат хўжаликлари қаторида хусусийлаштирилган фермалар учун ҳам ёнилғи, ўғит, эҳтиёт қисмлар фондларини ажратиш каби муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари, туман ҳокимликлари, соҳага мутасадди бўлган барча бошқарма ва уюшма раҳбарларининг чорвачиликнинг аҳволига нисбатан масъулияти ва жавобгарлиги ошириладиган бўлди.

Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин истак шуки, йиғилишнинг хулосаси, белгиланган вазифалар қоғозда қолиб кетмай, жойларда ижросига амалда киришилса, бунинг учун назорат ҳам тайин-таъсирли бўлса. Шундагина нафақат хусусийлашган фермалар, умуман чорвачиликнинг бундан буёнги ривожига умид боғлаш мумкин.



***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***

## Дўстлик кечаси

***Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги маданият марказида бўлиб ўтган тадбир Ҳиндистон миллий байрами – Республика кунининг 52 йиллигига бағишланди.***

Унда Ҳиндистон элчихонаси, Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик, маданий ва маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик жамияти вакиллари, таниқли адиблар, ҳиндшунос олимлар иштирок этди.

Ҳиндистон Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлат. Президент Ислом Каримов бу дўст мамлакатга икки марта ташриф буюрган. Бу расмий сафарлар чоғида имзоланган хужжатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни турли йўналишларда кенгайтиришга самарали хизмат қиляпти. Турли делегациялар алмашуви эса халқларимиз ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатлар кейинги ўн йилда – давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг янги босқичда ривож топаётганини алоҳида таъкидлади.

***ЎзА.***

## Ягона илмий-ўқув тармоғи

***Умумжаҳон, шу жумладан иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви жамиятимиз ҳаётини ахборотлаштириш жараёнини жадал ривожлантирилишини талаб қилади.***

Шу сабабли бугунги кунда ягона миллий ахборот илмий-ўқув тармоғини ташкил этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ва халқаро ташкилот – «Ўзбекистон Очиқ жамияти институти» Кўмак жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган битим ушбу тармоқни шакллантиришга ёрдам беради.

Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, академик Пўлат Ҳабибуллаев ҳужжатни имзолаш маросимида таъкидлаганидек, битимни тузишдан кўзланган мақсад республикамиз фан ва таълим соҳаларининг ахборот ҳамда тармоқ ресурсларини бирлаштиришга йўналтирилган ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат. Бу борада келгусида таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, таълимнинг турли соҳалари бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш, илмий ва ўқув адабиётларини чоп этиш, олимлар, мутахассислар ҳамда ўқитувчиларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш кўзда тутилган.

***А. ИВАНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ




**44-МОДДА. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.**

Ҳар бир шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали бевосита ёки билвосита ҳимоя қилиши мумкин. Поймол этилган ҳуқуқлар судлов ва маъмурий тартибда тикланади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ижтимоий ва давлат қурилишида демократияни ҳар томонлама кенгайтириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Ривожланган, маърифатли давлатлар сафига кириш йўлидан собит борилмоқда. Шундай бир босқичда инсон эркинлиги, фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий қонунларда ифода этибгина қолмай, унинг ривожини, такомиллашувини шу мақсадда тузилган ва тузилаётган давлат органлари, жамоат уюшмалари, кўнгилли ташаббускор ташкилотларнинг серқирра фаолиятлари орқали рўёбга чиқариш кафолатланмоқда.

Шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар суд орқали ҳимояланиши конституция ва қонунларда, қонуности ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Хўш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар нималардан иборат? Бу саволга жавоб бериб, айтиш мумкинки, бундай ҳолатлар давлат муассасаларининг айрим ходимлари, мансабдор шахслар ноқонуний қарорлар қабул қилишлари ёки шундай ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйишлари оқибатида юзага келади.

Шахснинг ҳуқуқ ёки манфаатларини шу тариқа бузган ноқонуний қарор устидан шикоят қилиш мумкин. Қонун жамоа ёки якка шахс томонидан чиқарилган ноқонуний қарорлар устидан шикоят қилишга ҳам рухсат беради. Фуқароларнинг мазкур конституциявий ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни орқали амалга оширилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, фуқаролар билвосита ҳам судга мурожаат қилишлари мумкин. Бунда лаёқати чекланган шахслар назарда тутилади. Улар ўз ҳуқуқларини вакиллари, ҳимоячи, ота-она, қариндошлар, ворислар орқали ҳимоя қила оладилар.

Поймол қилинган ҳуқуқларни тиклаш учун шахс қоида тариқасида юқори турувчи идорага мурожаат қилади. Мазкур усул қўлланилганда муаммо янада тезроқ ва самаралироқ кўриб чиқилиши учун имконият юзага келади, фуқароларнинг ҳуқуқлари янада кенгаяди. Шунингдек, поймол қилинган ҳуқуқларни тиклаш махсус судлов тартиб ва воситаларини, яъни маъмурий ва фуқаровий жараёнларни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан яна бири — барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар фуқароларни уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириши мажбурийлигидир. Бундай имкониятнинг яратиб берилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимаси «республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш»ни ўзида қонуний ифода этади.

***Дилноза ҚЎЗИЕВА,***
***Тошкент Давлат Юридик институти «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси ўқитувчиси.***

# "Ўзбекистон тарихи хрестоматияси" яратилмоқда

**Темурийлар тарихи давлат музейида мамлакатимизнинг етук тарихчи ва археолог олимлари, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида "Ўзбекистон тарихи хрестоматияси"ни яратишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

Унда "Ўзбекистон тарихи хрестоматияси" Ватанимиз ҳудудида одамзод пайдо бўлган пайтдан то ҳозирги кунгача бўлган узоқ тарихий даврни ўз ичига олиши қайд этилди. Илмий таҳлил этиладиган тарихий материалларнинг кўплигини ҳисобга олиб, уни 6та китобдан иборат 5та жилдда баён этиш, айниқса 1-жилдига муфассал тўхталиш маъқулланди.

Анжуман

Хрестоматия тарихимизни, айниқса унинг соҳталаштирилган айрим даврларини биринчи манбаларга таяниб илмийлик ва тарихийлик асосида тўғри талқин этишга қаратилган.

***ЎзА.***

# АРИҚЛАР ТОЗА, СУВЛАР РАВОН

## бўлса, об-ҳаёт тежалади, экин сувга қонади, мўл ҳосил тўкади



«Бўзсув» ширкат хўжалиги нафақат Зангиота тумани, балки вилоятдаги энг илғор, иқтисодий бақувват хўжаликлардан бири. Ўтган йили хўжалик деҳқонлари 211 миллион сўмлик даромад эгаси бўлдилар. Шундан 66 миллиони — соф фойда.

«Даромадга яраша буромад» деганларидек, хўжаликда деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш тадбирлари учун керагича маблағ ажратилади. Жумладан, хўжаликлараро каналлар, ички ариқ-зовурларни таъмирлаш, тартибга келтириш ва тозалаб туриш ишларига йилига ўртача 5 миллион сўм атрофида маблағ сарфланади. Шу боис ҳудуддаги барча суғориш шахобчалари доимо тартибли, тоза бўлади, сув беҳуда исроф қилинмайди, экинлар талабига қараб вақтида қондириб суғорилади. Бу ҳам мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг асосий шарти, албатта. Чунончи, хўжаликдаги 30 километр узунликдаги зовур ва 40 километрдан зиёд ички ариқлар ҳозирданоқ янги мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Умуман, Зангиота туманида кузги-қишки тадбирларнинг энг муҳими ҳисобланувчи бу иш охирига етказилмоқда. Айни кунларда хўжаликлараро канал ва зовурлар, шунингдек, ички суғориш иншоотларининг сўнгги километрлари тозаланмоқда.

*СУРАТДА: туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг муовини Нуриддин Рихситиллаев экскаватор машинисти Жўра Маҳкамовга топшириқ бераётган пайт.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

# ҚИРҚ БАРОБАРДАН ЗИЁД

***«Ғазалкентойна» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси кейинги вақтлардаги қолоқликни тугатиш учун астойдил ҳаракат қилиб, меҳнатдаги кўрсаткичларини яхшиламоқда.***

Иш жараёнларини такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар шунга олиб келмоқда.

Чунончи, корхона жамоаси ўтган хўжалик йилида фаолиятининг барча техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича кескин юксалишга эришди. Асосий маҳсулот — қурилиш ойнаси тайёрлашда буни яққол кўриш мумкин. Унинг ҳажми олдинги йилдагига қараганда қирқ баравардан зиёдроқ ёки бир миллиард сўмликдан кўпроқ ортди. Биргина икки миллиметр қалинликдаги ойна ҳозирлаш кўлами деярли икки миллион квадрат метр ошди ва қурилишларни, истеъмол бозорини шундай ашё билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланди. Ҳиссадорлик жамияти ишчилари янги йилда ҳам юксак меҳнат марраларини эгаллаш учун курашни қизғин бошлаб юбордилар.

***Собир ҲАМИДОВ.***

Қонун ва ижро

# БАҲОНА ЭМАС, ЕЧИМ ИЗЛАБ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламли ва чуқур ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар барча соҳалар, жумладан, халқ таълими тизимида ҳам ғоятда долзарб, гоҳида муқобили йўқ вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Чунончи, таълим тизимида бюджет сармояларидан ташқари маблағларни топиш, маркетингни йўлга қўйиш муаммолари фикримизнинг далилидир.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги «Таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 48-сонли қарори бу муаммолар ечимига йўл очди.

– Биласизми, тадбиркорлик – халқимизнинг «қонида бор» хислат, – деди «Тошкент ҳақиқати» мухбирига Бўстонлиқ туманидаги 11-мактаб директори Рихсимбой Йўлдошев. – Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори у эмин-эркин, тўла ҳажмда ва самарали намоён бўлиши учун катта йўл очди. Энди биз қисиниб-қимтиниб эмас, балки бемалол, мактабимизнинг эртанги эҳтиёжларини ўйлаб ишламоқдамиз.

Эсимда, 1972 йили мактабимиз биноси қурилганида атрофига терак кўчатлари экаётиб, ўша пайтдаги раҳбарларимиз ўзларининг бу ғоят фойдали саъй-ҳаракатларини фақат кўкаламзорлаштириш билан боғлаб изоҳлашар, беш-олти йил ўтиб, бу тераклар иморатбоп бўлиб етилиши, жамоага маблағ келтириши хусусида очиқ-ошкора фикрлашишдан чўчишарди.

Мустақилликка эришиб, бозор муносабатлари тамойиллари амал қила бошлаганида, биз сармоя ишлаб топиш борасида муайян тажрибага эга эдик. Ҳозир мактабимизнинг ўз лимонарийси бор. Беш-олти йилки, ҳосил бера бошлади. Мактабимиз атрофида икки гектар ёнғоқзор барпо этганмиз.

Ҳуллас, Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори қабул қилинганида биз таълим соҳасида маркетингни жадаллаштиришнинг пухтагина базасига эга эдик. 2000 йилиёқ фақат иморатбоп тераклар ва лимон сотишдан 200 минг сўм даромад жамғардик. Қанча теракларни таъмир ва янги қурилишларимизга ишлатдик.

Бюджетдан ташқари сармоя жамғаришнинг яна бир муҳим манбаи – ҳомийлар билан ҳамкорликда ишлашдир. Ўқитувчилар жамоамиз бу манбадан ҳам оқилона фойдаланмоқда. Чунончи, қишлоғимизда «Оқтош» фирмаси муваффақиятли фаолият кўрсатаётир. Унинг соҳиби Зокир Хомитов кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини дарсликлар билан таъминлаб келмоқда. Ўтган ўқув йилида мактаб фонди учун олган ўқув қуролларимиз сарф-харажатларининг 300 минг сўмини шу саховатли инсон тўлади.

«Сойлиқ» ширкат хўжалиги аъзоларининг қишлоқ мактабига кўрсатаётган моддий-молиявий ёрдамлари-ку алоҳида таҳсинга, миннатдорчиликка лойиқ.

Педагогик жамоамиз шундай, ҳар ишга қалов топиб меҳнат қилмоқда. Таълим сифатини кўтаришда, ўқитувчиларимиз қунимли, ижодий ишлашларида маркетинг самаралари муҳим омил бўлмоқда. Бюджетдан ташқари маблағлардан Ҳомида Ирисова, Мовлуда Нуримбетова, Муҳаррам Тошева, Муқаддас Баратова каби илғор ўқитувчиларимизни рағбатлантириш учун фойдаланмоқдамиз. Сўнгги вақтларда узоқ йиллар таълим соҳасида хизмат қилиб келган Абдуботир Абдукаримов, Зоира Абдумажидова, Ортиқжон Ботирова, Умарбой Тоштонов, Худойберган Йўлдошев, Абдухалил Абдуқодиров каби устозларни совға-саломлар билан муносиб равишда пенсияга кузатдик.

Халқимизда бир мақол бор: «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади». Вазирлар Маҳкамасининг қарори қаловни топиш имконларини кенгайтирди. Улардан оқилона фойдаланиш, тинмай изланиш, давр билан ҳамнафас бўлиш – муваффақият гарови эканлигини тажрибада кўраяпмиз. Гап фақат ишлашда, турли сабабларни рўкач қилиб, баҳона излашда эмас.

# ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ЖУМА, 1

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 – 8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Буюк Ипак йўли: Нурота».
9.20 «Олтин мерос».
9.35, 11.30 ТВ метео.
9.40 «Бугуннинг гапи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Петербурглик чиновник». Бадиий фильм.
11.35 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
11.55, 12.40, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Инсон ва қонун».
12.25 «Ўзбек спорти одимлари».
12.45 «Нафосат гулшани».
13.10 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 63-қисм.
13.35 «Сарҳад билмас дўстлик».
14.10 Кундузги сеанс: «Икки соҳил». Бадиий фильм.
15.20 «Фарзандим – жигарбандим».
15.55 «Озод-юрт одамлари».
16.15 «Сўнгги пушаймон». Теленовелла.
16.40 «Ҳуқуқ сабоқлари».
17.00 «Қизиқарли учрашувлар».
17.20 «Озода бўлса шаҳринг».
17.35 Ўзбекистон бастакорлари.
18.10 «Мулк».
18.25 «Омад кувончи». Телелотерея.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.25 «Спорт, спорт, спорт».
21.35 Ўзбекистон» каналида илк маротаба. «Ошин». Телесериал премьераси.
22.05 «Руҳият манзаралари».
22.40 «Ифтихор».
23.00 «Олам». Телеальманах.
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
9.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 11-қисм.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 Мусиқий лаҳзалар.
10.30 «Эсмералда». Телесериал.
10.55 Минг бир маслаҳат.
11.15 Жаҳон цирки. «Масси».
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Мезон.
12.45 Интерфутбол.
14.20 «Эрта сўнган юлдузлар».
14.50 Олтин мерос.
14.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.40 «Ватан равнақи йўлида». Видеофильм.
16.00 «Ғалати аёл». Бадиий фильм 2-қисм.
17.05 Мусиқий лаҳзалар.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман. Спорт майдончаси.
17.45 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал 12-қисм.
18.10 Одил сўз.
18.25 Автосалтанат.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Азизим.
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.15 Аср қиёфаси.
20.35, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.40 «Эсмералда». Телесериал.
21.10 Ёшлар овози.
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Икки минг йилдан сўнг». Ҳужжатли сериал.
00.40-00.45 Хайрли тун!

### «Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Денгиз итлари». 10-қисм.
18.25 Мультфильм.
18.30, 20.00, 21.25, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 5-қисм.
19.35, 21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Тақдир сўқмоқлари». 5-қисм.
21.40 «Ер курраси».
22.45 Кинонигоҳ. «Зоя». 1-қисм.
23.55-00.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.25 «Қалбим чечаги». Сериал.
18.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.20 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
18.45 «Кун мавзуси».
*
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
*
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «Дурдаршан».
22.40 Кинонинг олтин асри: «Килиманжаро қорлари». Бадиий фильм.
00.25 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.45, 21.00 – «Телеҳамкор».
9.30, 14.15 – Болалар соати.
10.25 «Жунжикиш». Сериал.
10.50 «Яхши кайфият». Мусиқий-дам олиш дастури.
11.20 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». 5-фильм.
13.30 «Майами Сендс». Телесериал.
15.10 Кундузги кинозал. «Нозик малика». Комедия.
16.50 «Симпсонлар». Мультсериал.
17.15 «Шоҳид». Ҳужжатли сериал.
18.10 «Ҳаёт икир-чикирлари». Телесериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Сўнгги бойскаут». Жангари фильм.
20.35 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Қизил бодрезак». Драма.
23.15 «Тез ёрдам». Телесериал.
24.00 Ярим тунда спорт.

## ШАНБА, 2

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Мусиқа бўстони».
9.15, 11.25 ТВ метео.
9.20 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
9.40 «Простоквашинолик учовлон». Мультфильм.
10.30 «Руҳият манзаралари».
11.05 «Бахтимизга омон бўлинг».
11.30 «Спорт, спорт, спорт».
11.40 «Маърифат». Телеальманах.
12.00, 14.40 , 16.55 ТВ анонс.
12.05 Телевизион миниатюралар театри.
12.40 «Талабалик йилларим».
13.00 «Санъатга бахшида умр».
13.25 Кундузги сеанс: «Жейн хоним». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.45 «Саломат бўлинг».
15.00 «Жейн хоним». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.00 «Ватан мадҳи».
16.25 «Ягона оилада».
17.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
18.00 «Бир зумда».
18.10 «Фламинго».
18.30 «Рангин дунё».
18.50 «Мусиқа: кеча ва бугун».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қизлар davраси».
22.35 «Шанба оқшомида».
23.05 «Ахборот-дайжест».
**«Тунги ёғду» дам олиш кино-дастури.**
23.25 «Бокиралик асри». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман, Спорт майдончаси.
9.25 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал 12-қисм.
9.50 Табобат оламида.
10.10 Ёшлар овози.
10.30 «Эсмералда». Телесериал.
10.55 Аср қиёфаси.
11.15 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.15 Кутилмаган меҳмон.
12.35 «Орзу дарахти». Бадиий фильм.
14.20 Мусиқий дастур.
14.35 Бола тилидан.
15.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
15.45 «Рамаяна». Телесериал.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: «Имкон». Телеўйин.
17.05 «Мультомоша».
17.20 Саломатлик сирлари.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 Оқшом наволари.
18.15 Бизнес-академия.
18.30 Лаззат.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 Давр-интервью.
20.00 Футбол плюс.
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.25 Ҳайрат.
20.45, 21.35, 22.30 Эълонлар.
20.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
21.40 Ҳандалак плюс.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 «Аёл қалби наволари». Азиза Ниёзметова.
23.05 «Аждарҳо юраги». Бадиий фильм.
00.50-00.55 Хайрли тун!

### «Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Этик кийган мушук».
18.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.55, 20.25, 22.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.10 «Саломатлик маскани».
19.25 «Жаҳон географияси».
20.10 «Мусиқий лаҳзалар».
20.40 ТТВда сериал: «Тақдир сўқмоқлари». 6-қисм.
21.30 «Мисли гавҳар».
21.45 «Ташриф».
22.05 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 49-кўй.
23.00 Кинонигоҳ. «Зоя». 2-қисм.
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Дурдаршан».
9.30 «Соккер клуб».
9.50 «Мультомоша».
*
10.10 Е. Петросяннинг Кулги панорамаси.
10.45 «Лаззат».
*
11.05 «CFI янгиликлари».
11.15 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.
11.40 «Экран зийнати ва қиймати».
12.00 Дўстлик видеоканали: «Немис шарҳи», «Бизнен мирас». «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
13.00-13.30 «Немис тили».
17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 «Бинафша».
17.55 «Британия кундалиги».
*
18.15 Елена Степаненко, Юрий Гальцев ва бошқалар «Ҳазил кетидан ҳазил» кўрсатувида.
18.55 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.55 «Сўнгги қаҳрамон».
21.00 «Время».
*
21.30 «Ҳикоя»
21.50 «Бугунги Япония».
22.10 «Мюзик холл».
22.35 Кинематограф. «Ёввойи». Бадиий фильм.
00.15 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.45, 20.30 – «Телеҳамкор».
9.30 «Питер Пен». Мультсериал.
10.00 Фильм-болаларга. «Сеҳрли воқеа». Эртак.
11.30 «Алекс Макнинг сирли олами». Сериал.
12.00 Оилавий кино. «Мимино». Комедия.
13.40 «Баффи». Телесериал.
14.30 Ҳинд киноси. «Денгиз». Мелодрама.
17.00 «Ўз ўйини». Теле-шоу.
18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Аждаҳолар жанги». Жангари фильм.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.00 «Яширин камера билан». Ҳажвий дастур.
21.00 «30-канал»да детектив соати.
21.45 «30-канал» кинооқшоми: «Матрица». Фантастика.
23.30 Мусиқий дастур.

## ЯКШАНБА, 3

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10, 11.20 ТВ метео.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Фантадром». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.25 «Цирк, цирк, цирк».
11.50 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.25 «Кўҳна замин оҳанглари».
12.50 «Муҳофаза».
13.00 «Мўъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
14.00, 17.30, 18.15 ТВ-анонс.
14.05 Кундузги сеанс: «Робин Гуд». 1-қисм.
15.10 «Дунё эшиклари очилди бизга».
15.30 «Робин Гуд». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.40 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.35 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.55 «Янгисидан бор». Юмористик кўрсатув.
18.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Ўзбекистон ифтихорлари». Спорт дастури.
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
21.40 «Кайфият».
22.10 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
**Якшанба кинозали:**
23.00 «Кино оламида».
23.30 «Бокиралик асри». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Имкон». Телеўйин.
9.40 «Мультомоша».
9.55 Давр-интервью.
10.10 Футбол плюс.
10.30 Ёшлар овози.
10.50 «Заковат» интеллектуал ўйини.
11.45 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон. 2. Аскар мактублари.
12.25 Очил дастурхон.
12.40 «Полиция комиссари». Телесериал.
13.25 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.
13.40 Азизим.
14.05 Чемпион сирлари.
14.25 Футбол-202.
15.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.30 Спорт ҳафтаномаси.
15.45 «Рамаяна». Телесериал.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчил-у, ким чаққон?»
16.50 Якшанбада кўришгунча.
17.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.55 Очун.
18.20 Оила тилсими.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Маслаҳат.
20.10 Нодирбек Лутфуллаев куйлайди.
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Полиция комиссари». Телесериал.
21.20 «Зинама-зина».
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Аянинг қўнғироқчалари». Бадиий фильм.
00.15– 00.20 Хайрли тун!

### «Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Шоҳ Султон ҳақида эртак».
18.20 «Спорт-тайм».
18.40, 19.30, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.55 «Телефакт».
19.05 «Радиус 21».
19.45 «ТВ плюс».
20.10 «Мусиқий лаҳзалар».
20.25 «Жаҳон географияси».
21.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 50-кўй.
22.05 Кинонигоҳ. «Моҳир».
23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

### «Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кайфият». Дам олиш дастури.
*
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.05 «Қутқарувчилар». Тезкор ёрдам.
*
11.35 Болалар соати: «Каспер». Бадиий фильм.
13.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
13.15 «7дан 70гача».
13.45 «Парле ву франсэ?»
14.10 «До-ми-соль шоу». Болалар учун дастур.
14.50-15.50 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Мультомоша».
17.20 «Менинг шаҳрим».
17.35 CFI тақдим этади: «Кармен». Балет.
*
18.20 Ирина Муравьева ва Л. Удовиченко «Муҳаббат макри» фильмида.
*
19.45 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.30 «Тенгдошлар».
21.00 «Етти кун». Ҳафта якунлари.
21.25 «Кинопрофи».
21.45 «Олтин граммофон». Концерт дастури.
00.00 «Таҳлилнома».
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.30 – «Телеҳамкор».
9.30 «Питер Пен». Мультсериал.
10.00 Фильм — болаларга. «Момо бўрон». Эртак.
12.00 Оилавий кино: «Бошланиш».
13.40 «Баффи». Телесериал.
14.30 Кундузги кинозал. «Америкага саёҳат». Комедия.
16.10 «30-канал»да қизиқарли учрашувлар.
17.00 «Ўз ўйини». Теле-шоу.
18.10 «30-канал» кинооқшоми. «Президент қизи билан учрашув». Комедия.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
20.00 Ҳажвий дастур.
21.00 «30-канал»да детектив соати.
21.45 «30-канал»да якшанба кинооқшоми. «Гладиатор». Тарихий фильм.

*Шеъ558ият*

# БОЛАЛИККА ҚАЙТГИМ КЕЛАДИ

*Осмонда оқ булут елади,*
*Хаёлимни ипга илади.*
*Болалигим тушиб ёдимга*
*Болаликка қайтгим келади.*

*Булоқ мисол покиза қалблар,*
*Самимийлик таратган лаблар,*
*Орзуларим армонда тоблар.*
*Болаликка қайтгим келади.*

*Соғинчларим ёғар сел бўлиб,*
*Вужуд шошар, энтикиб, тўлиб,*
*Учолмайман афсус қуш бўлиб,*
*Болаликка қайтгим келади.*

*Самимий, пок инсон қолмаса,*
*Дил ранжитиб тиллар толмаса,*
*Савоб қилмоқ расм бўлмаса.*
*Болаликка қайтгим келади.*

*Эр мардликдан бўйин товласа,*
*Виждон сотиб кўнгил овласа,*
*Хотинларла ғийбат ковласа,*
*Болаликка қайтгим келади.*

*Ғам-андуҳлар дилим тиғласа,*
*Юрагимга дардим сиғмаса,*
*Ҳар бир заррам минг бир йиғласа,*
*Болаликка қайтгим келади.*

**Машрабхон НОРБЎТАЕВА.**



Янги нашр

# Юнус Эмро ва тасаввуф

**«Фан» нашриётида Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари нашрга тайёрлаган "Юнус Эмро ва тасаввуф" китоби босмадан чиқди.**

Рисола туркиялик етук тасаввуфшунос олим Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон қаламига мансубдир.

XIII асрда Туркиянинг Бурса шаҳрида яшаб ижод қилган, туркий тилли халқлар адабиёти, маданияти тарихида юксак мақомга эга бўлган, тасаввуф шеъриятининг улкан намояндаларидан бири Юнус Эмро авлодларга ўлмас маънавий мерос қолдирган. Унинг теран фалсафий мазмун ва жўшқин руҳ билан суғорилган асарлари ҳамон шеърият ихлосмандлари қалбидан муносиб ўрин олиб келмоқда.

Рисолани филолог олим Сайфиддин Сайфуллоҳ таржима қилган.

***Баҳор ХИДИРОВА,***
***ЎзА мухбири.***

Турмуш чорраҳаларида

## ... ТАГИ ОЛТИН

Ҳалима ўз ҳаётидан мамнун ва бахтиёр эди. Ҳавас қилса арзийдиган ҳовли-жойлари бор. Турмуш ўртоғи Ҳотам институтда дарс беради. Дурустгина маош олади. Рўзғорга етиб, орзу-ҳавасга ҳам ортиб қолади. Икковлон икки ўғил ва бир қизни аҳлоқ-одобли қилиб тарбиялашмоқда. Тўғри, ҳали улар ёш. Энг каттаси тўққизга кирди. Лекин муҳими, фарзандлар тарбиясида эр-хотин ҳамкор, ҳамфикр. Баъзан жамулжам бўлиб ўтиришганда турмуш ўртоғининг меҳрибонлиги, фарзандларининг мўмин-қобиллигидан ўзича хурсанд бўлар, айни пайтда юраги ҳаприқиб ишқилиб, оиламизга кўз тегмасин-да, деб қўярди. Омон бўлишсин. Роҳатларини кўрайлик, деб ният қиларди. Лекин ҳамма вақт ҳам одамнинг ўйлагани бўлавермас экан. Бахтсиз тасодиф ширин турмушга раҳна солди. Ҳотамни машина уриб кетди. Дўхтирлар қанча уринишмасин ҳаётини сақлаб қололмадилар. Ҳалима нима қилишини билмай гангиб қолди. Лекин яхши одамлар унга далда беришга ҳаракат қилдилар.

– Ўлим ҳақ, – дейишди улар, – куюниб, ич-этингни еганингдан фойда йўқ. Ўзингнинг ҳам соғлиғингга путур етади. Ахир сен болаларингни ҳам ўйла, улар учун яшашинг керак! Агар ётиб қолгудек бўлсанг ҳоли нима кечади уларнинг.

Бу гаплар тушкунликка изн бериб қўяёзган Ҳалимани сергакликка ундади. Ўзини қўлга олди. Онасидан ўрганган ҳунари тикувчилик билан астойдил шуғуллана бошлади. Қарангки, унга буюртма берувчилар сони кўпайиб кетди. Фарзандлари ҳам онага қараша бошладилар. Шу тариқа тирикчилик изга тушди. Фарзандлар кўнглини ўкситмай, отасининг йўқлигини билдирмай Ҳалима уларни оқ ювиб, оқ тараб улғайтирди, ўқитди, олий маълумотли қилди. Фарзандларининг ҳар бири ўзлари ёқтирган соҳа бўйича меҳнат қила бошладилар. Жамоада обрў орттирдилар. Улар оналарининг атрофида парвона бўлишар, еру кўкка ишонишмасди.

– Онажон, сиз бизларни катта қиламан деб роса қийналдингиз, энди буёғига роҳатимизни кўринг. Сиз қўлингизни совуқ сувга урманг, ҳамма юмушларни ўзимиз, келинларингиз қилади. Сиз йўл-йўриқ кўрсатиб турсангиз бўлгани. Фарзандлар ана шундай илиқ гаплар билан онажонларини алқар ва уни етти қават кўрапачага ўтказиб қўйишга ҳаракат қилардилар.

Ана шундай дамларда Ҳалима ўзида йўқ хурсанд бўлар, кўзларида ёш халқаланарди.

– Отанг раҳматли кўрмади-да, бундай кунларни, бундай ҳурмат, эъзозни, – дерди ва кўз ўнгида эрининг сиймоси гавдаланарди.

– Раҳмат, – дерди сиймо, – бардошингга, сабр-тоқатингга қойилман, – шундай дердию сиймо аста-секин узоқлашгандек бўларди. Ҳалима бирданига сергак тортарди.

– Ё тавба, – дерди у, – ўликлар тирик деб бежиз айтишмас экан-да. Сўнг у тиловат қилиб, турмуш ўртоғининг руҳини шод айларди.




## ШОШИЛГАН АЁЛ

Маҳмуда топармон, тутармон оиланинг кенжа фарзанди эди. У ҳеч нарсага зориқмай, толиқмай ўсди, вояга етди. Келин бўлиб тушган хонадонида эса шарт-шароит, турмуш тарзи бутунлай бошқача эди. Ҳамма нарса меъёрида, тартиб-интизом мустаҳкам эди. Ёлғиз ўғилли уйга тушдим деб суюнган Маҳмуданинг умидлари пучга чиқди. Эркалиги, тантиқлиги ўтмай қолди. Бу ҳол унинг кайфиятини тушириб юборди. Бора-бора қайнота, қайнонасини менсимай қўйди. Ишдан ҳориб-чарчаб келадиган эрини хушламайгина кутиб олар, ҳали уйга кирмасиданоқ нималарнидир айтиб, жовраб унинг бошини қотирарди. Бора-бора бу ҳол одат тусига кирди. Баъзан бу жанжалга сабаб бўларди. Эрининг ялиниб-ёлборишлари қайнота, қайнонасининг, қўни-қўшниларнинг ўгитлари, ўртага тушишлари ҳам фойда бермади. У ҳеч кимга ҳеч нарса демай аразлаб, фарзандларини уриб-силталаб, етаклаб уйига кетиб қоларди. Уч-тўрт кун, баъзан ҳафталаб келмасди. Ана шундай пайтда ҳам қайнона келинининг «гуноҳи»дан ўтар, ўғлини мажбурлаб бориб олиб келишга ундарди. Маҳмуда уч-тўрт кун сал ўзига келгандек бўларди. Лекин барибир яна аввалги аҳвол давом этаверарди. Унинг тўни ўзгармай қолаверди. Оққўнгил эр барча дардларини ичига ютавериб, охири тузалмас дардга мубтало бўлди. Ҳар хил фисқи-фасодларга, таъна-дашномларга дош беролмай оламдан ўтди. Бирин-кетин қайнота, қайнона ҳам ҳаёт билан видолашдилар. Ҳайҳотдек ҳовлида бир ўғил, бир қиз билан Маҳмуданинг ўзи қолди. Энди нима қилсин-а, кунда кунора совға-салом билан келиб турадиган онаси ҳам дардга чалиниб, тўшакка михланиб қолди. Онасининг қистовлари билан келиб турадиган акаларининг ҳам қадами узилди. Маҳмуданинг боши қотди. Айб ўзимда, ҳаётга ўйинчоқ сифатида қарадим, енгил табиатлик қилдим, дерди у ўзича.

Шундай кунларнинг бирида мактабдош дугонаси Салима уни йўқлаб келиб қолди. Маҳмуда унга юрагидаги дардларини тўкиб солди.

– Маслаҳат бер, ўртоқжон, – деди у, – ётиб еганга тоғ ҳам чидамас, деб бежиз айтишмас экан. Рўзғорга қийналиб қоладиганга ўхшаймиз. Шуғулланай десам бирор ҳунарим ҳам йўқ. Болаларимнинг эса авжи еб-ичадиган, кийдиган пайти.

– Ҳамма нарсанинг иложи бор, кўп куюнма, дугонажон, – деди Салима. Сўнг кўзларини айёрона қисиб, – фарзандларингни болалар уйига топширгин, сўнг мен билан бирга юрсанг тижорат ишларига ўргатаман. Қарабсанки ошиғинг олчи.

Маҳмуда сесканиб тушди.

– Аҳир қандай бўлади, дугонажон, одамлар нима дейди, фарзандларимни тирик етим қилишга кўзим қиймайди.

– Жуда соддасан-да, Маҳмуда, – деди Салима, – фарзандларинг бинойидек ўсиб улғаяверишади у ерда. Ҳамма нарса бор. Ахир сенга ўхшаганлар озмунчами.

– Шундай бўлса ҳам-да, – деди Маҳмуда сал бўшашиб. Бундан фойдаланган Салима мустақил фикрлашдан йироқ бўлган Маҳмудага уни деб, буни деб, ўз йўриғига барибир кўндирди.

Лекин қариндошлар Маҳмуданинг фарзандларини меҳрибонлик уйига топширишига рози бўлишмади. Тоғаси, холаси уларни ўз тарбиясига оладиган бўлди.

Лекин Маҳмуда Салима билан бирга юриб, бирга фаолият кўрсатиб уч-тўрт йил даврон сургандек бўлди-ю, охири уятга қолди. Сочларига оқ оралади. Ҳусндан қолди.

Бу вақтда фарзандлар катта бўлишиб, ҳар бири ўз йўлини топиб олган эди.

Ўғли қишлоқдаги хўжалик трактор саройида муҳандислик қиларди. Фидойилиги билан обрў қозонган қизи Наргиза ҳамма ҳавас қилса арзийдиган ҳамшира эди. Шифохонада ишларди.

Қариндошлар Маҳмуданинг олдига келишиб, унинг кўнглини сўраб, биз билан бирга яшайқол, деб айтишди. Лекин у кўнмади.

Фарзандлар эса кунда, кунора бўлса ҳам оналарининг аҳволидан хабар олиб туришарди. Буни уларга тоғаси, холалари қаттиқ тайинлаган эдилар.

Фарзандлари ҳар келганда она уларнинг юзига тик боқишдан ўзини олиб қочарди.

– Айб ўзимда, – дерди у фарзандларига, – сизларга меҳр беролмадим. Мен ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлганга ўхшайман. Кўпроқ сизларга оталик, оналик қилган тоғангга, холаларингга меҳр кўрсатинглар. Шунда мен сизлардан рози бўламан.

Бу гаплар фарзандларни ўйлантириб қўярди...

***Носир РИХСИЕВ.***

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

# МИЛИЦИЯ ЛЕЙТЕНАНТИ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

**Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходими милиция лейтенанти Дилшод Орипов юнон-рум кураши бўйича Грециянинг Патра шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида шуҳрат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилди. Йигирма беш ёшли ўзбек спортчиси олти бора майдонга чиқиб, мусобақанинг финал босқичида арман полвонини енгди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садолари остида унга жаҳон чемпиони медали топширилди.**

Шу дақиқаларни Дилшод бир умр унутмайди. Зеро, унинг чемпион шоҳсупасига кўтарилиш йўли осон кечгани йўқ.

– Шуҳрат акамга эргашиб «Локоматив» спорт жамиятидаги машқларни томоша қилгани борардим, – эслайди Дилшод. – Акам юнон-рум кураши билан шуғулланардилар. Бевосита шуғулланишни саккиз ёшдан бошлаганман.



Мураббийимиз Владимир Александрович Егоровнинг сабоқларини ҳеч қачон унутмайман.

Таътил кезлари ўқувчиларнинг спорт мусобақаларида қатнашиб, чиниқиб борган Дилшод Ориповни 1989 йили «Олимпия резервлари» спорт мактабига қабул қилишди. Бу ерда унга Зинур Хайрутдинович Қаграманов устозлик қилди. Тинимсиз машғулотлар, турли даражадаги мусобақаларда ёш спортчининг малакаси, маҳорати ошиб борди. Ниҳоят, 1995 йили республика мусобақаларида ўз вазн тоифаси бўйича қатнашиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Умидли ёш спортчини юнон-рум кураши бўйича мамлакат терма жамоасига киритишди.

Энди у маҳоратли спорт мураббийи, катта тренер Комил Махмудович Фаткуллин раҳбарлигида машқ қила бошлади. Осиё чемпиони Баҳодир Қурбонов, Осиё биринчилиги совриндори Руслан Бектинов, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Юрий Вит сингари малакали тенгдошлари қаторида курашнинг сиру асрорларини ўрганиб борди, ўзи ҳам минтақавий халқаро мусобақаларда қатнаша бошлади. Мустақиллик совриндорлари учун ўтказиладиган анъанавий халқаро турнир ҳам Дилшод учун ўзига хос чиниқиш мактаби бўлди.

Мана шу сабот-матонат йўли, мустақил она-Ватанимиз – Ўзбекистон шоншавкатини етти иқлимга ёйиш орзуси уни Грециянинг Патра шаҳрига етаклаб борди. Ёш ўзбек спортчиси довруғли олти спортчи билан курашиб, ўзининг ғалабага ишончи, беназир маҳорати, қатъий иродаси билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Бутун мамлакат ўз баҳодир фарзандини табриклаб, унга янги зафарлар тиламоқда. «Тошкент ҳақиқати» ҳам шу қутловларга қўшилади.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

# ОЛИМПИАДА ДАРАКЛАРИ

**Американинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида бўлиб ўтадиган қишки Олимпиада ўйинларига старт берилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимиздан 6 спортчининг мусобақларда қатнашиши аниқ бўлган бўлса, бошқа бир неча давлатларда спортчиларни танлаш борасида ҳали-ҳануз музокаралар давом этмоқда.**

## ЧИПТАЛАР ТУГАЯПТИ

Қишки Олимпиада ўйинлари ташкилотчилари айни пайтга қадар 1,6 миллион дона чиптадан 88 фоизи сотиб бўлинганини маълум қилди. Солт-Лейк-Ситидаги Олимпиаданинг очилиш ва ёпилиш маросимида қатнашиш имконини берадиган, нархи энг қиммат – 885 АҚШ доллари бўлган чипталар ҳам деярли қолмаган.

## ЭНГ КЎП МЕДАЛЬ КИМДА?

Қишки Олимпиада ўйинларида энг кўп медаль жамғариш бўйича ўзига хос рекорд собиқ иттифоқ олимпиадачиларига тегишли. Улар 1988 йили Канаданинг Калгари шаҳрида ўтказилган олимпиадада 29 медални қўлга киритган. Бу кўрсаткични эса 10 йилдан сўнг Германия спортчилари такрорлаган. Шунингдек, Россия, Италия Австрия, Норвегия турли вақтларда қишки ўйинларда 20 ва ундан ортиқ олимпиада медалини қўлга киритган терма жамоалар ҳисобланади.

## СОВРИНДОРГА МУКОФОТ ҲАМ БОР

АҚШ олимпия қўмитасидагилар америкалик спортчиларнинг 20та медаль жамғаришига катта ишонч билан қарамоқда. Бунга совринли ўринларга кўтарилган спортчиларга бериладиган пул мукофотининг оширилгани ҳам ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Олимпиада чемпионлигига эришган спортчи 25 минг, кумуш медаль соҳибига 15 минг ва учинчи ўринни олган спортчига 10 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот ажратилади.

## НЕМИСЛАР ТАРКИБИ ҲАМ АНИҚ

Солт-Лейк-Ситидаги Олимпиада ўйинларида Германиядан 160 спортчи қатнашади. Шу пайтгача немислар қишки олимпиадага бунчалик кўп спортчини юбормаган. Эслатиб ўтамиз, германияликлар 1988 йилги Нагано олимпиадасида 12та олтин, 9та кумуш ва 8та бронза медални қўлга киритган эди.

## БАХТСИЗ ВОҚЕА



Чехия олимпия терма жамоасининг уч нафар биатлончиси АҚШга учишдан бир неча соат олдин автоҳалокатга учради. Олимпиада ўйинларига бориш учун Ева Хакова, Вейнарова ва Зденек Витек Прага аэропортига кетаётган эди. Улар ўтирган машина ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб қўйиши натижасида тўқнашув содир бўлди.

Тўқнашувда кичик жароҳат олганига қарамай, З. Витек Солт-Лейк-Ситига кетган бўлса, Е. Хакова ва З. Вейнарова шифохонага жойлаштирилди. Ҳозирча, икки биатлончининг Олимпиадада қатнашиши ноаниқ бўлиб турибди.

## ТАРКИБДА 13 СПОРТЧИ

Конькида югуриш бўйича Россия терма жамоаси бош мураббийи Валерий Муратов Солт-Лейк-Ситида қатнашадиган спортчилар рўйхатини маълум қилди. Терма жамоа сафига ҳаммаси бўлиб ўн уч нафар спортчи жалб этилган.

## УЗОҚ ТАНАФФУС ТУГАДИ



Хоккей бўйича Латвия терма жамоаси 66 йиллик танаффусдан сўнг яна қишки Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган бўлди. 9 февраль куни латвияликлар саралаш баҳсларидаги биринчи ўйинни Австрия терма жамоасига қарши ўтказади. Таъкидлаш жоизки, Латвия терма жамоаси хоккейчиларининг аксарияти хориж клублари аъзосидир. Улардан бештаси эса Шимолий Америка миллий хоккей лигасида (МХД) ўйнайди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси жамлама ишлари кичик бўлими бошлиғи **Акбар Хўжаевич ПУТТИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

*Бўш вақтларингизда*

# КАВКАЗЧА ТАОМНИ БИЛАСИЗМИ?



***ЭНИГА:*** 1. 18-асрдан илгариги Россия армиясида полковник билан генерал ўртасидаги ҳарбий унвон. 5. Машҳур астроном, Улуғбекнинг шогирди. 11. Кўп тармоқли фирма. 12. Ичига гўшт ёки бошқа нарсалар солиб печкада пиширилган нон. 13. Мева сувидан тайёрланган қуюқ қиём. 14. «Наср»нинг ҳамроҳи. 15. Фақат чизиқлар билан расм солиш санъати. 16. Ғарбий Осиёдаги давлат. 19. Қўқон хони Умархоннинг рафиқаси. 21. Ганадаги шаҳар. 22. Шимолда яшайдиган қуюқ патли йирик сув қуши. 26. Спортнинг уч тури бўйича мусобақа. 27. Футбол майдонининг ҳимоя қилинадиган чекланган қисми. 31. Тик асосга баланд ўрнатилиб, полга қўйиладиган чироқ. 32. Ҳиндистон канопи. 33. Ёқут халқ қаҳрамонлик эпоси. 36. Россия ойномаси. 38. Қуръон сураларидан бири. 39. Киев Руси давридан маълум бўлган ичимлик. 43. Қўй гўштидан тайёрланадиган кавказча суюқ таом тури. 44. Саргардон, сарсари. 45. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. 46. Миллий таом турларидан бири. 47. Оғзидан ўқланадиган қадимий милтиқ.

***БЎЙИГА:*** 1. Автоматик пистолет тури. 2. Ришта. 3. Италия ахборот агентлиги. 4. Хориждан мол келтириш. 6. Исбот ва рад қилиш усуллари ҳақидаги фан. 7. Хонларнинг ҳашаматли саройи. 8. Сурхондарё вилоятидаги туман. 9. Россияда 1755-1897 йилларда ўн сўмлик, 1897 йилдан 15 сўмлик тилла пул. 10. Францияда департамент бошлиғи. 17. Балиқ овлайдиган денгиз кемаси. 18. Икки кўзи бир томонда бўлган япалоқ денгиз балиғи. 20. Гирифтор бўлмоқ, учрашмоқ, йўлиқмоқ. 23. ... беиллат эмас, қиммат беҳикмат эмас. (Мақол). 24. Отнинг сон гўшти. 25. Мармеладнинг бир тури. 28. 5-асрда яшаган хунлар подшоси. 29. Чингизхоннинг улуғ аскарбошиларидан бири. 30. Суюқ ёки кукунсимон моддаларни пуркаб берувчи асбоб. 34. Вилоят бошлиғи (Хитойда). 35. Учта шаҳардан иборат бўлган Оврўпадаги митти давлат. 37. Фойданинг кушандаси. 40. Ёрга эришув. 41. Испан халқ рақси. 42. Сайҳон ерга қилинган ҳарбий иншоот.

Бу қизиқ

## ТЕЛЕФОНСИЗ ҚАНДАЙ ЯШАШГАН ЭКАН?



Одамзот томонидан ўйлаб топилган мислсиз мўъжизалардан бири, шубҳасиз, телефон ҳисобланади. Бугунги кунда биз ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қила олмаймиз. Шунингдек, бурунгилар қандай қилиб телефонсиз ўз ишларини битирганлари ҳам сира тасаввуримизга сиғмайди.

1989 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларга кўра, дунёдаги энг «телефонбоз» халқ америкаликлар ҳисобланади. Уларда жами 423 миллион 618 минг 819та телефон тизими бўлган.

Дунёдаги энг кўп уйига телефон ўтказган аҳоли Токиодадир. Бу ерда абонентлар сони беш миллион 511 мингтани ташкил этган. Нью-Йоркда эса бу пайтда 4 миллион 589 минг нафар абонент бўлган эди. 1983 йилда Вашингтон шаҳрида ҳар минг кишига 1730та телефон аппарати тўғри келган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* *Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48* *Эълонлар: 133-40-48, 136-56-29.*

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-70. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Адади 11668 нусха. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди - 1 2 3 4 5 6